

Дуо ризога хилоф эмас | Тазкия дарслари (294-дарс)



19:00 / 10.08.2024 2323

Дуо ўз соҳибини ризо мақомидан чиқармайди. Шунингдек, куфр, маъсият ва фисқу фужурни, уларнинг аҳлини ва сабабларини ёмон кўриш ҳам кишининг ризо мақомига хилоф эмас.

Баъзи тушунмаган кишилар ва баттоллар: «Куфр, маъсият ва фисқу фужур ҳам Аллоҳ таолонинг қазои қадари, уларга ҳам рози бўлиш вожиб», деганлар. Бу гап жоҳиллик ва шариат сирларини билмасликдан бошқа нарса эмас.

Шариатнинг буйруқлари ҳикматини бандалар англайдиган ва англамайдиган турларга бўлинади. Кўпгина ҳукмларнинг фойдаси ва ҳикмати маълум бўлади. Баъзи бир кўрсатмаларнинг фойдаси банда

кўзига кўринмаслиги ва ҳикмати ақлига билинмаслиги мумкин.

Мисол учун, намозни оладиган бўлсак, унинг фойдаси, ҳикмати маълум ва машҳур. Аммо нима учун бомдоднинг фарзи икки ракъат ва пешин намозиники тўрт ракъат эканининг фойдасини ҳам, ҳикматини ҳам ҳеч ким билмайди. Ҳеч ким бунинг сабабини сўрамайди. Амрга бўйсуниб, амал қилаверади.

Бандага фойдаси ва ҳикмати ошкор бўлмаган шариатнинг бу каби ишлари «таъаббудий» амаллар деб аталади. Яъни фақат ибодат учун, шариат буйруғи бўлгани учун бажариладиган ишлар, дегани. Дуони ҳам ана шу ишлар қаторига қўшиш мумкин. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда бандаларини дуо қилишга буюрган. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўзлари тинмай дуо қилганлар ва дуо қилишга чорлаганлар. Шу билан бир вақтда ризо мақомининг олий чўққисидан бўлганлар.

Куфр, маъсият ва фисқу фужурга норози бўлиш ҳам таъаббудий амаллардан ҳисобланади. Аллоҳ таоло мўмин-мусулмон бандаларини уларга рози бўлишдан ман қилган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу:

«Банда мункар ишдан йироқ бўлатуриб, уни қилган одамнинг гуноҳи мислича гуноҳга қолиши мумкин», дедилар.

«Бу қай тарзда бўлади?» дейилди.

«У ҳақда хабар етганда рози бўлгани учун», дедилар.

Аллоҳ таоло яхшилик йўлида ҳамкорлик қилишга, ёмонликка ҳамкорлик қилмасликка амр қилган.

Бу ҳақда У Зотнинг Ўзи шундай деб марҳамат қилган:

وَالْمُدُونِ الْإِثْمِ عَلَى نَعَاوُنَا وَلَا وَالنَّقَوِيِّ الْإِثْمِ عَلَى وَتَعَاوُنَا تَعْتَدُوا أَنْ

«Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг» (Моида сураси, 2-оят).

بَلِّغْهُمُ الْبَيِّنَاتِ لَعَلَّ يَتَّقُونَ
يَوْمَ لَا يُغْنِي عَنْهُمْ كُفْرُهُمْ
وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ
يَوْمَ لَا يُغْنِي عَنْهُمْ كُفْرُهُمْ
وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ
يَوْمَ لَا يُغْنِي عَنْهُمْ كُفْرُهُمْ
وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ
يَوْمَ لَا يُغْنِي عَنْهُمْ كُفْرُهُمْ
وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ

Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ўтирган эдик.
Бас, у зот:**

**«Иймоннинг энг бақувват ҳалқаси Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ
учун ёмон кўришдир», дедилар».**

Имом Аҳмад ривоят қилган.

Шу ерда тушуниш мушкул бўлган ҳолат пайдо бўлади. Қазои қадарга рози бўлиш вожиблиги ҳақида келган оят ва ҳадисларга юқорида эслатилган дуо қилиш ва куфр, маъсият ҳамда фисқу фужурга норози бўлиш лозимлиги ҳақидаги ҳукмлар тескари эмасми?

Куфр, фисқу фужур ва маъсиятни Аллоҳ таолонинг қазоси эмас, деб бўлмайди-ку!

Агар улар Аллоҳ таолонинг қазоси билан бўладиган бўлса, уларга норози бўлиш мумкин эмас-ку!

Бир нарсани бир вақтнинг ўзида ҳам ёмон кўриб, ҳам ундан рози бўлиш мумкинми?!

Мана шу масалани кўпчилик англаб ета олмаган. Ҳатто баъзилар: мункарга сукут қилиш ризо мақомидир ва ҳусни хулқдандир, деган ботил тушунчага ҳам боришган.

Аслида эса маълум нарсадан бир вақтнинг ўзида ҳам рози, ҳам норози бўлиш мумкин эмаслиги унга бир тарафлама қарагандагина кузатилади. Аммо ўша нарсадан бир тарафдан рози, бошқа тарафдан норози бўлиш мумкин.

Айтайлик, бир одам сизга ва сизнинг душманларингиздан бирига ҳам душман эди. Сизга душманлигини ёқтирмайсиз. Аммо сизнинг душманингизга нисбатан душманлигини ёқтирасиз. Ана ўша одамнинг ўлимидан бир вақтнинг ўзида ҳам рози, ҳам норози бўлишингиз мумкин. Сизга душман бўлгани учун ўлимидан розисиз. Аммо душманингизнинг душмани бўлгани учун унинг ўлимидан норозисиз.

Худди шунга ўхшаш, маъсиятнинг ҳам икки тарафи бор:

Биринчиси – унинг Аллоҳ таолога боғлиқлиги ва У Зотнинг иродаси ва қазои қадари ила бўлгани. Бу маънода рози ва таслим бўлишдан бошқа илож йўқ.

Иккинчиси – маъсиятнинг бандага боғлиқ бўлиб, унинг нияти ва касби ила бўлгани. Бандасининг маъсиятини Аллоҳ таоло ёмон кўради. Демак, банда ҳам маъсиятни ёмон кўриши керак.

Бу маъноларнинг барчаси «яхши ва ёмон қадарнинг барчаси Аллоҳдан эканига иймон келтириш»дан чиққандир.

Дуо ҳеч қачон Аллоҳ таолонинг қазои қадарига зид бўлиши мумкин эмас. Аллоҳ таоло бандаларини таъаббуд учун дуо қилишга амр қилган. Дуо билан зикрнинг мусаффолиги, қалбнинг хушуъси ва тазарруъ зоҳир бўлади. Дуо қалб равшанлиги, кашф калити ва лутф сабабидир.

Кўза кўтариб, сув ичиш Аллоҳ таолонинг чанқоқлик қадарига рози бўлишга хилоф бўлмагани каби дуо ҳам ҳеч қачон қадарга норозилик бўлиши мумкин эмас.

Аллоҳ таоло сув ичишни чанқашни кетказишга сабаб қилиб қўйганидек, дуони ҳам Ўзи кўп нарсаларга сабаб қилиб қўйган ва бандаларини дуо

қилишга амр этган.

Дуо ҳақида «Талхийси шарҳи ақийдатут-Таҳовия» китобида жумладан, қуйидагилар келган:

«Жумҳури мусулмонлар ва бошқа динлар аҳллари ҳам дуо манфаатни жалб ва зарарни даф қилиш учун энг кучли сабаблардан эканига ишонишади. Аллоҳ таолонинг, мусулмон бўлсин, кофир бўлсин, бандасининг дуосини ижобат қилиб, унга сўраганини бериши Унинг ризқ ва ёрдам бериши жумласидандир.

هُلِّلَا يَضَرَّ رِيَّهٖ بِأَنْع
هُلِّلَا لُؤْسَرَّ لَاقَ لَاقَ، هُنَّع
مَّسَّوْ هِيَّ لَعُّ هَلِّلَا يَّص
هُلِّلَا لَأْسَيَّ مَلُّ نَمُّ هُنَّإِ
هُؤْرَ . هِيَّ لَعُّ بَضُّعَيَّ
يِذْمُرَّتَلَا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳдан сўрамаса, У Зот ундан ғазабланади», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Дуо Ҳақ таолонинг олти сифатига далолат қилгани сабабли ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи дуо қилишга амр этган:

1. Вужуд (борлиги). Чунки йўққа дуо қилинмайди. Ундан бирор нарса сўралмайди.

2. Ғанийлиги (бойлиги). Чунки фақирга дуо қилинмайди. Ундан бирор нарса сўралмайди.

3. Эшитувчилиги. Чунки карга дуо қилинмайди. Ундан бирор нарса сўралмайди.

4. Карам (сахийлик). Чунки бахилга дуо қилинмайди. Ундан бирор нарса сўралмайди.

5. Раҳмат. Чунки раҳмсизга дуо қилинмайди. Ундан бирор нарса сўралмайди.

6. Қудрат. Чунки ожизга дуо қилинмайди. Ундан бирор нарса сўралмайди.

Дуони инкор қилувчи кимса ушбу олти сифатни инкор қилувчи кабидир. Ундан ғофил бўлган инсон ушбу олти сифатдан ғофилдир.

Фойда:

Билингки, сабабларга суяниб, дуо қилмаслик тавҳиддаги ширкдир.

Сабабларни бутунлай тан олмаслик ақлдаги нуқсондир.

Сабабларни ишлатишдан юз ўгириш эса ишларни сабабларга боғлаб қўйган шариатга айб тақашдир.

Таваккул ва умидворлик тавҳид, ақл ва шариат вожиб қилган нарсалардан иборатдир. Сабабларга таваккул қилиб (суяниб) қолинмайди ҳам, уларни беҳудага чиқарилмайди ҳам. Балки Аллоҳга таваккул қилган (суянган) ҳолда сабаблар Аллоҳнинг иродаси ва изни ила натижали бўлади, деб ҳаракат қилинади.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.